118

2011 йил 10 ноябрь, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 223 (12.034)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**Корхона нуфузи ҳақида гап борганда айтиш керакки, «PGS» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлари билан ички бозорда ўзининг муҳим ўрнига эга. Бугунги кунда ушбу хусусий корхонада харидор талаб ва эҳтиёжини қондирадиган 24 турдаги рақобатбардош электр маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.**



**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили**

## ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Асосий қисмини ёшлар ташкил этган — касб-ҳунар коллежларининг битирувчиларидан иборат 21 нафар ишчи-хизматчилар кундалик ишлаб чиқариш фаолияти билан биргаликда, илмий изланишларни ҳам изчиллик билан олиб боришади. «PGS» савдо белгиси билан тайёрланаётган ҳар бир маҳсулот буюртмачига етиб боргунча кўплаб текширувлардан ўтказилади.

— Шарқда қадим-қадимдан унумли қўллаб келинган сопол ашёси маҳсулотларимиз асосини ташкил этади, — дейди хусусий ишлаб чиқариш корхонаси директори Иван Тюжин. — Ушбу соҳа мутахассислари фикрини инобатга олсак, сопол аввало инсон саломатлигига ижобий таъсир кўрсатади ва экологик тозалиги билан ажралиб туради. Махсус гуруҳга кирувчи ишчи-хизматчилар доимий сифатни назорат қилиш асосида товарларимизнинг мукаммал бўлиши устида ҳам режали иш олиб боришади. Бунда, албатта харидор талаб ва эҳтиёжининг ўрганилиши қатъий назоратда. Бизга Президентимиз ташаббуси билан ўтказиб келинаётган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси яқиндан ёрдам бермоқда, бу тадбирлар мамлакатимиз иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

— Корхона маҳсулотлари нафақат дизайни, рақобатбардошлиги билан, шу билан бирга, шу турдаги четда — хорижда ишлаб чиқарилаётган товарлардан электр истеъмолида тежамкорлиги туфайли ҳам алоҳида ажралиб туради. Хусусий корхонанинг ички бозорда яхши танилган кичик новвойхона-мини печлари, калорифер-иситкичлари, сандаллари, тиббиёт жиҳозларига айниқса талаб каттадир.

Жумладан, саноат ва маиший маҳсулотлар — электр сауна, ўчоқ, қўра, сауна учун жиҳозларнинг барчаси сертификатланган. Уларга ишлаб чиқарувчи томонидан ўн икки ойга кафолат берилиб, беш йил муддат ичида бепул сервис хизмати кўрсатилиши кўзда тутилган. Биргина маҳсулот тавсифига тўхталадиган бўлсак, масалан, калорифер — нисбатан янги товар ҳисобланиб, керамика асосидаги иситкичлар шамоллатгичлар билан таъминланган. Бу ўз навбатида, уларнинг электр қувватини сезиларли даражада тежашидан ташқари, уйнинг пол ва шифти ўртасидаги иссиқликни бир текисда тақсимлаши билан эътиборли.

Муваффақиятлар замирида, албатта, заҳматли меҳнат ётади. Ишчи-хизматчилар бор маҳоратларини ишга солиб, баракали меҳнат қилишлари учун яратилган шарт-шароитлар, рағбат ва ишонч ўзининг самарасини бермоқда. «PGS» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси кўплаб шаҳар, республика миқёсида кўрик-танловларда совринли ўринларни қўлга киритган. Корхона узоқ йиллик лойиҳаларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш устида доимий изланишда давом этмоқда.

Жорий — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида ҳам янги маҳсулот яратиш ишлари қизғин кечмоқда. Эзгу ниятларни қалбларига жо қилган ишчи-хизматчилар ўз савдо белгилари билан ички бозоримизни рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан таъминлашга астойдил бел боғлаганлар.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**
**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат**

**«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган навбатдаги ижтимоий сўровда мамлакатимизда истиқлол йилларида оилани муҳим ижтимоий институт сифатида ривожлантиришнинг омиллари нималардан иборат, уни мустаҳкамлашда миллий маънавий қадриятларнинг ўрни ва аҳамияти қандай, деган саволларга жавоб олинди.**

## ОИЛА — ЖАМИЯТ АСОСИ

Ушбу ижтимоий таҳлил оила институти жамиятимизда улкан аҳамиятга эга эканини кўрсатди. Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида жисмонан соғлом ва маънавий етук авлодни тарбиялаш, жамиятда миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида юксак маънавиятни шакллантириш Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий устувор йўналишларидандир. Бу борада белгиланган вазифаларни амалга оширишда оила институти зиммасига катта масъулият юкланган. Оила бу борада зарур имкониятлар ва салоҳиятга эга.

Аҳоли ўртасида ўтказилган сўров буни яна бир бор тасдиқлади. Сўров иштирокчилари оилани жамиятнинг маънавий негизи ва шахсни тарбиялаб, вояга етказадиган муҳим асос, деб ҳисоблайди. Мамлакатимиз фуқаролари Ўзбекистон раҳбарияти томонидан ушбу ижтимоий институтни мустаҳкамлаш борасида амалга ошираётган чора-тадбирларни юқори баҳолайди, сўров қатнашчиларининг 85,2 фоизи давлатимиз уларнинг оилалари ҳақида юксак ва етарли даражада ғамхўрлик кўрсатмоқда, деб ҳисоблайди.

Улар оилани (80,9 фоиз), маҳаллани (56,5 фоиз), таълим муассасаларини (49,6 фоиз) ва ижтимоий муҳитни (45,8 фоиз) инсон маънавиятини шакллантиришнинг муҳим омиллари, деб билади. Мамлакатимизда замонавий оила ҳаётида ёшларнинг дунёқараши, қадриятлари ва дидини шакллантиришга ёрдам бераётган маданият соҳаси муҳим ўрин тутади. Сўров натижаларига кўра, хонадонларда кутубхоналарнинг мавжудлиги ҳам юксак маънавиятни шакллантиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Маънавий-ахлоқий қадриятларнинг устуворлиги фуқароларимиз шахсий ва ижтимоий онгининг муҳим жиҳатларидандир. Ҳамюртларимиз буюк аждодларимиз, уларнинг илмий ва тарихий мероси, халқимизнинг меҳмондўстлиги ва меҳнатсеварлиги билан фахрланади. Сўралганларнинг 49,1 фоизи турмуш тарзи ва маданияти миллий урф-одатлар ҳамда анъаналарга асосланишини эътироф этганки, бу уларнинг миллий ғурурини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Сўралганларнинг аксарияти (85,8 фоизи) ижтимоий мақсадлар тизимини ишлаб чиқишда оила муҳим омил бўлиб хизмат қилишига ишонади. Замонавий оила ва ижтимоий онгда катталарни ҳурмат қилиш, жамиятда ўзини муносиб тута билиш, камтарлик ва меҳнатсеварлик, ўсиб келаётган авлод тўғрисида ғамхўрлик қилиш асосий қадриятлар ҳисобланади. Бу борада ёш авлод ота-оналарининг фикрини маъқуллайди. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, сўров натижаларига кўра, сўнгги беш йилда ёшларни тарбиялашда улкан ҳаётий тажрибага эга катталарнинг ўрни икки баробардан ошган. Зеро, халқимизда маънавий-ахлоқий қадриятлар авлоддан авлодга ўтиб келмоқда. Аксарият оилаларда (99,5 фоиз) фарзандларини тарбиялашда уларнинг онгига мустаҳкам маънавий асослар ва ахлоқий принциплар сингдириб борилади, (66,3 фоиз оилаларда) меҳнатсеварликка, (66,9 фоиз оилаларда) ҳалолликка ўргатилади.

*(Давоми 2-бетда)*

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида**

## АҲОЛИ БАНДЛИГИ — ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

2012 йилда мамлакатимизда 967 мингдан зиёд иш ўрни яратилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан 2012 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг ижросига бағишланган семинар ўтказилди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, қўмиталар, банк-молия муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Ф.Ражабов, Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг биринчи ўринбосари Б.Алимуҳамедов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аҳоли бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар халқимиз фаровонлигини изчил юксалтиришга хизмат қилаётганини таъкидлади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ривожи йўлида янги-янги имкониятлар яратилаётгани бунда муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатимизда жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида тадбиркорлик субъектларининг фаол иштирокида 815 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди. Натижада банд аҳоли сони 2,5 фоиз ўсди. Бунда кичик бизнес, қурилиш, уй-жой коммунал хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, транспорт ва алоқа каби соҳалар улуши, айниқса, каттадир.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш, «корхона-битирувчи-коллеж», «устоз-шогирд» тамойиллари асосида ишни ташкил этиш ёшларни иш билан таъминлашда яхши самаралар бермоқда.

– Касб-ҳунар коллежларининг битирувчилари 127 мингдан ортиқ корхона, ташкилотга амалиёт ўташ, кейинчалик ишга жойлаштириш мақсадида уч томонлама шартномалар асосида бириктирилди, – дейди Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштиришни таъминлаш бошқармаси бошлиғи Одил Абдураҳмонов. – Ўқув даргоҳлари ва корхоналар ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни янада мустаҳкамлаш, мутахассис тайёрлаш йўналишларини жойлардаги талаб ва эҳтиёжга мос тарзда ўзгартириш, таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларини доимий такомиллаштириш бунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури бўйича мамлакатимизда жами 967 мингдан зиёд иш жойи яратилиши кўзда тутилган. Уларнинг қарийб ярми кичик корхоналар ва микрофирмалар ташкил этиш, якка тартибдаги тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш, қурилиш-таъмирлаш, реконструкция ишлари кўламини кенгайтириш, касаначилик, ҳунармандлик, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш каби амалда ўзини оқлаган муҳим йўналишлар орқали яратилади.

Семинарда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашда, биринчи навбатда, қишлоқ аҳолиси, шу жумладан кам таъминланган, серфарзанд оналар, ногиронлар, битирувчиларни ишга жойлаштириш, қайта тайёрлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича фаол ва мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда бандликни янада рағбатлантириш каби масалалар муҳокама қилинди. Бу борада тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида «Ёш олимлар кенгаши», Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ва академия Бирлашган касаба уюшмаси ҳамкорлигида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»га бағишланган илмий-амалий конференция ўтказилади.

✓ **МИРЗО** Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»нинг ижтимоий ҳаётга татбиқ этилиши масалалари» мавзуида тадбир бўлиб ўтади.

✓ **64-УМУМТАЪЛИМ** мактабида Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ҳамда «Истеъдод» жамғармаси ташаббуси билан бошланғич таълим услубиятчилари учун «Бошланғич таълимда инновациялар» мавзуида семинар ташкил қилинди.

## XXI аср садоси

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Пойтахтимизда Ижтимоий телерадиороликлар IV миллий фестивали ўтказилди. Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда юртимизда фаолият юритаётган нодавлат телерадиоканалларнинг вакиллари ўз ижодий ишлари билан қатнашди.**

**● Тошкент кимё-технология институти олимлари томонидан маккажўхори крахмалидан глюкоза препарати олиш технологияси яратилди. Тажриба-синов усулидан муваффақиятли ўтган ушбу янгилик тиббиётда катта талабга эга бўлган глюкозани илк бор Ўзбекистонда оммавий ишлаб чиқариш имкониятини яратади.**

**● Жиззах шаҳридаги «Заргарлик нон» шўъба корхонасига замонавий технологиялар ўрнатилгач, унинг қуввати икки баробарга ортди. Шунингдек, бу ерда 10 турга яқин нон ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Эътиборлиси, 58 нафар киши меҳнат қилаётган мазкур корхонанинг вилоят маркази, Бахмал ва Пахтакор туманларидаги шохобчалари орқали жорий йил ўтган даврида 1 миллиард 431 миллион сўмлик маҳсулот сотилди.**

**● Бухоро шаҳридаги «Умидтекс» масъулияти чекланган жамияти беш йил мобайнида ишчилар сонини 70 нафарга етказди. Ушбу корхонада жорий йилнинг ўтган даврида 7 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Қарийб 100 минг АҚШ долларилик калава ипни экспорт қилишга эришилди. Корхонада йил охирига қадар яна 2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.**

**● Намангандаги эркаклар кўйлаги ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Муштарий интернейшнл ЛТД» қўшма корхонасида эндиликда китель ва шим тикиш ҳам йўлга қўйилди.**

### ЖАҲОНДА

**● Франция ҳар қандай ҳолатда ҳам юқори рейтинг кўрсаткичларини сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Бу ҳақда мамлакат бош вазири Франсуа Фийон айтиб ўтди. Унинг таъкидлашича, бунинг учун давлат бюджетидаги тақчилликни бартараф этиш бўйича жиддий чоралар кўрилади. Хусусан, ҳукумат раҳбари 2017 йилдан пенсияга чиқиш ёшининг 62 ёш этиб белгиланишини ҳамда солиқ ставкалари амалдаги 5,5 фоиздан 7 фоизга оширилишини билдирган.**

**● АҚШлик олимлар муттасил алкоголь маҳсулотларни истеъмол қилиш аёлларнинг кўкрак саратони билан оғришини кучайтнришини айтишмоқда. Жумладан, ҳафтасига камида уч бокал вино ёки шампан ичимлигини ичиш ушбу хасталикка чалинишни 15 фоизга оширади. Бостон университети мутахассислари 1980-2008 йиллар оралиғида спиртли ичимликлар истеъмол қилувчи аёлларда кўкрак саратони пайдо бўлишини кузатиш жараёнида ана шундай хулосага келишган. Бу вақт оралиғида олимлар 106 минг нафар аёлнинг кундалик ҳаётини ўрганиб борганлар. Якунда ҳафтасига олти бокалдан кўп алкоголли маҳсулот истеъмол қилган хонимлар ушбу хасталикка кўпроқ чалингани маълум бўлган.**

**● Афсонавий чарм қўлқоп устаси Жо Фрэйзер (АҚШ) ҳаётдан кўз юмди. Оммавий ахборот воситалари хабарларига қараганда, шу йил 68 ёшга тўлган спортчининг ўлимига оғир хасталик — жигар саратони сабаб бўлган. Жо Фрэйзер ўтган асрнинг 60-70 йилларидаги энг машҳур ва енгилмас боксчилардан бири эди. У кўп йиллар давомида Жаҳон бокс иттифоқи ва Жаҳон боксчилар ассоциациясининг энг оғир вазндаги чемпионлик камарларига эгалик қилган. Жо 1975 йилда афсонавий боксчи Муҳаммад Алига мағлуб бўлганидан сўнг катта спортни тарк этганди. Жо Фрэйзер мутахассислар томонидан ҳамма даврларнинг энг яхши ўн нафар оғир вазнли боксчиси рўйхатига киритилган.**

**● Бир гуруҳ халқаро олимлар ва мутахассислар томонидан 100 йил ичида иссиқлик даражаси кўтарилиб кетишига қарамасдан Арктиканинг ўз биохилмахиллик хусусиятлари ва кўринишини йўқотмайдиган биринчи тўртта нуқтаси аниқланди.**

**● Вьетнамда рўй берган кучли ёғингарчилик оқибатида марказий ва жанубий шаҳарларда юзга яқин одам ҳалок бўлди. Ўн йил ичида энг кучли ҳисобланган ушбу тошқин ЮНЕСКО рўйхатига олинган, тарихий шаҳар–Хойанга ҳам ўз зарарини етказди.**

Конституциямиз яшамоқда ва амал қилмоқда

## ҚОНУНЧИЛИК ТАШАББУСИ ҲУҚУҚИ

**Бугунги замонавий босқичда Олий Мажлиснинг асосий вазифаси қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларни халқаро ҳуқуқнинг тамойилларига мувофиқ ҳолда тартибга солиш, амалдаги қонунлар ва ҳуқуқий кафолатлар амал қилишининг аниқ механизмларини ишлаб чиқиш, қонунчилик принципларини такомиллаштириш ҳамда қабул қилинган қонунлар ижросини назорат қилишни амалга оширишдир.**

Қонунчилик ҳокимияти билан ҳукуматнинг ўзаро алоқаси давлат ва жамият ҳаётининг барқарорлигини таъминловчи энг муҳим муносабатлардан бири. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Биз қонунчилик тизимини тубдан ўзгартиришгагина эмас, балки қабул қилинган қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларни рўёбга чиқариш борасида ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқлари уйғун ҳаракат қилишига катта аҳамият бермоқдамиз. Шу сабабли қабул қилинган қонунларни кундалик ҳаётга татбиқ этиш масаласи биз учун ҳамма вақт долзарбдир».

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қонунчилик жараёнидаги иштироки давлатнинг ижтимоий-иқтисодий дастурларининг амалдаги самарасига ва Ўзбекистон халқининг фаровонлик даражасининг ошишига хизмат қилади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига биноан, Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи орқали, Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокурори эгадирлар ва бу ҳуқуқ қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширилади.

Демак, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ҳам қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи деганда, Конституцияда белгиланган субъектлар томонидан қонун чиқарувчи органга (парламентга) қонун лойиҳалари ва таклифлари билан чиқиш ҳуқуқи тушунилади.

Ҳокимиятлар бўлиниши тамойилидан келиб чиққан ҳолда тўхталадиган бўлсак, қонунчиликка оид фаолият билан шуғулланиш фақатгина қонун чиқарувчи ҳокимиятга, яъни парламентга тегишлидир. Бунда ўз-ўзидан табиий шундай савол туғилиши мумкин: у ҳолда нима учун ижро этувчи ҳокимиятга, яъни ҳукуматга қонунчилик жараёни билан боғлиқ бўлган фаолият тури, яъни қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи берилган? Демократия принципидан келиб чиққан ҳолда таъкидланадиган бўлса, қонунчилик ташаббуси ва қонунни яратиш сайланган парламентга тегишли бўлиши лозим. Бизда бу фикрга нисбатан баъзи эътирозлар мавжуд. Агар парламентнинг фақат ўзи бутун қонунчилик жараёни билан шуғулланса ва бошқа бирорта ҳам давлат органи қонунчилик жараёнида қатнаша олмаса, унда парламент қабул қилган қонунларнинг самарадорлиги нисбатан пастроқ бўлиши табиий.

Ҳукумат ўзи ўтказаётган сиёсат учун қандай «қонунчилик таъминоти» зарурлигини ва қонун ҳужжатларини ўзгартиришга қандай жорий эҳтиёжлар мавжудлигини ҳокимиятнинг бошқа субъектларига қараганда яхшироқ билади. Ижро этувчи ҳокимият сифатли қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун кўпроқ имконият ва ресурсларга эга. Қолаверса, ҳукумат ижрочилик фаолияти билан шуғулланар экан, қонунларнинг бажарилиши, парламент қарорлари, давлат бошлиғининг норматив - ҳуқуқий актларининг ижросини таъминлашни ташкил этиш жараёнида, жамият ҳаётида, давлат бошқарувида маълум бир муносабатларни тартибга солишда, ҳуқуқий бўшлиқ мавжуд бўлган ҳолатларни аниқлаши мумкин ва бу ҳолатни давлат ҳокимиятининг бошқа органларига нисбатан яхшироқ билиши табиий. Сабаби, ижро этувчи ҳокимият ўз номи билан қонун ҳужжатларини ижро этади ва жамият ҳаётидаги барча турдаги ижтимоий муносабатларга дуч келади ҳамда бу муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш бўйича муайян хулосаларга эга бўлади. Шунинг учун ҳам ҳукуматга қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи берилиши тўғри ва табиий жараёндир.

Жамият ва давлат ҳаётига оид энг муҳим масалаларни ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган бундай ҳуқуқни, яъни қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини, айниқса қонун чиқариш ҳуқуқини ҳокимиятнинг олий органи қаторида, ҳукуматга ҳамда ўзига берилган ваколат доирасида бир соҳани бошқариш билан шуғулланаётган ижро ҳокимиятининг тармоқ органига бериш, давлат ҳокимиятини амалга ошириш принципларини бузади. Ҳокимиятлар тақсимланиш тамойилидан келиб чиқиб, уларнинг нормал фаолияти мувозанатига салбий таъсир қилади.

Юқоридаги конституциявий тамойил ва билдирилган фикр ҳамда мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда таъкидлашимиз мумкинки, ижро ҳокимияти ҳамда унинг тармоқ органлари қонун чиқариш ҳуқуқига эга эмаслар. Лекин уларнинг жамият ҳаётида вужудга келувчи ижтимоий муносабатларни қонуний асосда тартибга солиш керак деб ҳисоблайдиган ҳолатлар бўйича таклифлари, ташаббуслари бошқачароқ тартибда амалга оширилади.

**Аҳрор ҲОШИМОВ,**
**Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиси, юридик фанлари номзоди**

## ЎЗАРО КЕЛИШУВ АСОСИДА

**Маҳсулот ишлаб чиқариш масаланинг бир томони бўлса, уни тўғридан-тўғри, ҳеч бир тўсиқларсиз харидор қўлига етказиб бериш эса иккинчи муҳим жараён ҳисобланади.**

«Ўзтадбиркорэкспорт» ихтисослаштирилган ташқи савдо компанияси керакли маҳсулотларни маҳаллий хом ашё негизида сифатли ва арзон тарзда тайёрлаш борасида мутахассислар учун керакли шарт-шароитлар яратиб бериб, ишлаб чиқаришда катта ютуқларга эришмоқда.

— Ҳамма тадбиркор ҳам маҳсулотини харидорга етказиб бериш кўникмасига эга эмас, — дейди компаниянинг бўлим бошлиғи Баҳодир Раҳматуллаев. — Шу боис масаланинг бу томонига ҳам эътиборни қаратмоқдамиз. Кўрилаётган бу каби тадбирлар экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини яратмоқда. Бу ижобий ҳолни Тошкентда ўтказилган бешинчи халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида компаниямиз мисолида кўриш мумкин бўлди.

Шуни мамнуният билан айтиб ўтиш жоизки, ҳам маҳаллий, ҳам хорижий компаниялардан жуда кўп мурожаатлар бўлди. Биз келгусида қуритилган меваларимизни харид қилиш учун Жанубий Корея, Россия, Украинадан буюртмалар олдик.

**Акбар АЛИЕВ**

Иқтисодиёт

## ИМКОНИЯТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИБ

**Мамлакатимиз бозорида саккиз йилдан буён фаолият юритаётган «Org-Sell» масъулияти чекланган жамияти барча имкониятларини амалий ишларга сафарбар қилмоқда. Ҳозирда республикада компьютер ишлаб чиқарувчи ягона корхона ҳисобланади.**

Унинг фаолияти кўп қиррали бўлиб, бу ерда буюртмачиларга сервис хизмати ҳам кўрсатилади. Ушбу корхона асосан давлат муассасалари, ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Уларга бир йил давомида бепул тарзда кафолатли хизмат кўрсатилади.

— Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ишлаб чиқариш деганда, компьютерни шунчаки жамлаш тушунилмайди, — дейди «Org-Sell» МЧЖ директори Зокир Зиганшин. — Биз фақат микросхемаларни хориждан оламиз, бошқа бутловчи қисмларни шу ерда тайёрлаймиз. Турли бухгалтерия дастурларига мўлжаллanганларидан тортиб, юқори самарали мультимедиа компьютерлари ҳам бизнинг «AV «Tech» савдо белгиси остида ишлаб чиқарилади.

Бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда юртимизнинг ҳар бир ҳудудида «AV «Tech» маркаси билан сервис марказлари ташкил этилган. Масалан, пойтахтда харид қилинган компьютерни созлаш ёки таъмирлаш учун буюртмачи бир вақтнинг ўзида корхонанинг бошқа вилоят ёки шаҳарларидаги расмий сервис марказлари хизматларидан фойдаланиши мумкин.

## КОРХОНА ҚУВВАТИ ОШАДИ

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўзларига берилган имкониятдан, солиқ имтиёзларидан оқилона фойдаланиб, ишлаб чиқариш фаолиятларини тобора кенгайтирмоқдалар. Бунинг натижасида эса маҳсулот тайёрлаш ҳажми йил сайин ошиб бормоқда, аҳоли бандлиги таъминланмоқда.**

«Московские деликатеси» масъулияти чекланган жамияти замонавий технологиялар мададида бир кунда етти, саккиз тонна гўштдан 70 турдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Ҳозирда корхонада 50 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Қисқа вақт ичида мазкур корхонанинг «Московские деликатеси» савдо белгиси остида республика бўйлаб 11 миллиард сўмлик сифатли маҳсулот буюртмачиларга етказиб берилди.

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш иқтисодиётимизни ривожлантиришда кучли рағбатлантирувчи омил бўлмоқда, — дейди корхона раҳбари, ёш тадбиркор Отабек Муталов. — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида корхона қувватини, маҳсулот тури ва сифатини янада оширишни кўзлаган ҳолда Германиянинг дунёга машҳур компанияси билан ҳамкорликни йўлга қўйдик. Унга кўра корхонамиз учун замонавий технологик линия лизинг йўли билан олиняпти. Янги линия ишга туширилгач эса маҳсулот тури яна ўн иккитага кўпаяди. Қўшимча ўнта иш ўрни яратилади.

**Муқаддас УМАРБЕКОВА**

## МИЛЛИЙ ТЕЛЕРАДИО РИВОЖИ ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

**Тошкентда телерадиодастурларни яратиш ва тарқатиш соҳасининг бугунги ҳолати ва истиқболларига бағишланган халқаро давра суҳбати ўтказилди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ва ЮНЕСКО, ЕХҲТ каби халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилди.**

Халқаро давра суҳбатида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг мутахассислари, олим ва экспертлар, ахборот-коммуникация соҳаси раҳбарлари, мамлакатимизда фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар вакиллари, шунингдек, Австрия, Болгария, Германия, Япония, Италия, Жанубий Корея каби давлатлардан мутахассислар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари У.Муҳаммадиев, Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А.Жўрабоев, Миллий телерадиокомпания раиси А.Хўжаев, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф.Абдухолиқов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда фуқароларнинг ахборот олиш ва сўз эркинлигига доир ҳуқуқларини таъминлаш, миллий медиа соҳани жадал равнақ топтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, соҳага доир ўнга яқин қонун ҳужжатлари ахборот муҳофазаси, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Оммавий ахборот воситалари фаолиятини эркинлаштириш, уларнинг жамиятимиздаги ислоҳотларда янада фаол иштирок этиши учун зарур шароит ва имкониятларни яратиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳа учун юқори салоҳиятли кадрларни тайёрлаш юзасидан кенг қамровли, босқичма-босқич ва изчил ишлар амалга оширилмоқда. Бу жиҳатлар телерадио соҳасида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Ўзбекистонда сунъий йўлдош алоқа тармоғи орқали телерадиодастурларни тарқатиш йўлга қўйилди. Бугун миллий телекоммуникациялар тизимимиз дунёнинг 180 мамлакатига ўттизга яқин йўналиш бўйича тўғридан-тўғри узатиладиган халқаро каналларга эга. Телерадиоканаллар томонидан тайёрланаётган кўрсатув ва эшиттиришлар интернет тармоғи орқали реал вақт режимида жаҳонга узатилмоқда. Эфир материалларини тайёрлаш жараёнида замонавий рақамли ва мультимедиа технологиялари қўлланилмоқда. Бу жараёнда нодавлат оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани муҳим омил бўлаётир.

Давлатимиз раҳбари томонидан Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида телерадиодастурларни тайёрлаш ва тарқатиш соҳасида рақобатни янада кучайтириш, телерадиодастурларни узатиш борасида мобиль ва рақамли телевидение каби илғор замонавий технологияларни жорий этиш, телеиндустриянинг истиқболли янги тармоқларини ташкил қилиш учун зарур шароитларни яратишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

– Президент Ислом Каримов ташаббуси билан Ўзбекистонда мустақиллик йилларида телерадио соҳаси жадал ривожланмоқда, – дейди Австриянинг медиа-технология ва ахборот соҳасидаги ташқи савдо фирмасининг раҳбари Стефан Ландау. – Ўзбекистонда қабул қилинган миллий қонунчилик мазкур соҳани тубдан ислоҳ этиш, Миллий телерадиокомпанияни энг замонавий ва илғор жиҳозлар билан таъминлаш имконини бермоқда. Бугун телерадио ривожи бўйича Ўзбекистон МДҲ давлатларида етакчи ўринда туради. Айни пайтда давр талабига жавоб берувчи юқори малакали кадрларни тайёрлашга катта эътибор қаратилаётгани бу борадаги ютуқлар салмоғини янада оширмоқда.

– Юртингиздаги электрон медиа тармоқдаги ислоҳотлар юксак самаралар бераётир, – дейди Германиянинг «ZDF» минтақавий студиялар директори Йоханс Эдмунд Клаес. – Соҳада эришилган натижалар олиб борилаётган ислоҳотларнинг нечоғли тўғри эканини тасдиқламоқда. «ЎзНТТ» ҳамда «Форум-ТВ» нодавлат телеканаллари фаолияти билан танишувимиз асносида барча ташкилий, техник ишларнинг юқори сифат ва савияда йўлга қўйилганига ишонч ҳосил қилдик.

– Ўзбекистонда телеиндустрия соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда, – дейди Жанубий Кореянинг «Olleh TV» телеканали раҳбари Ли Ёнг Ёл. – Қисқа фурсатда бу соҳада мамлакатингизда улкан ютуқларга эришилгани медиа тармоқни босқичма-босқич, тизимли, пухта ўйланган ва чуқур асосланган ғоялар асосида ривожлантириш имконини бермоқда. Айниқса, нодавлат электрон медиа тузилмаларни янада ривожлантириш, уларни энг замонавий жиҳоз ва ускуналар билан таъминлашга оид кенг кўламли чора-тадбирлар таҳсинга лойиқ.

– Ўзбекистонда медиа соҳасида илғор ахборот-коммуникация, рақамли технологиялар жадал қўлланилмоқда, – дейди Япониянинг «NEC» корпорацияси катта менежери Тору Сато. – Мамлакатингизда алоқа ва ахборот соҳаси ривожига кўрсатилаётган улкан эътибор ахборот-коммуникация тизимида корпорациямиз билан ҳамкорликда бир қатор лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш имконини бермоқда.

Давра суҳбатида телерадио соҳасини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари, мазкур йўналишда самарали рақобатни яратишга оид масалалар атрофлича муҳокама қилиниб, бу йўналишдаги миллий ва халқаро тажриба таҳлил этилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ОИЛА — ЖАМИЯТ АСОСИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Оилаларда анъанавий муносабатлар сақланиб келмоқда. Кўпчилик сўралганларнинг фикрича (62 фоиз), ота оила бошлиғи ҳисобланади. Сўров иштирокчиларининг учдан бир қисми бу масалада эр ва хотин тенг деган фикрда. Айни пайтда фуқароларимиз болаларнинг маънавий тарбиясида оила аъзоларининг барчаси бирдек жавобгардир, деб билади.

Сўров Президентимиз Ислом Каримовнинг 1998 йил 28 октябрда қабул қилинган тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирларни соддалаштиришга оид фармонига мувофиқ миллий қадриятлар, анъаналар ва урф-одатларнинг асл моҳиятини тарғиб этиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ушбу масалада ижтимоий фикрнинг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатганидан далолат беради. Сўров иштирокчиларининг 46,4 фоизи маҳалласида тўй маросимлари фуқаролар йиғини назорати остида ортиқча исрофгарчиликларсиз ўтказилаётганини билдирган.

Сўралганларнинг фикрича, севги-муҳаббат (59,2 фоиз), қарашларнинг уйғунлиги, эр-хотин ўртасидаги самимий муносабатлар, уларнинг таълим-тарбиясининг мутаносиблиги муваффақиятли никоҳни таъминлашда энг муҳим омиллардан саналади. 58,7 фоиз фуқаро турмуш қураётганларнинг саломатлиги бўлажак оилада мустаҳкам ва фаровон ҳаётни таъминлашда катта роль ўйнайди, деб ҳисоблайди. Бу соғлом турмуш тарзини шакллантиришда оила муҳим ўрин эгаллашидан далолатдир. Бундан ташқари, оила қуришдан мақсад фарзандлар кўриш ва тарбиялаш, уларнинг жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топишга кўмаклашишдан иборат, деган мустаҳкам фикр ҳам сақланиб қолмоқда.

Тадқиқот фуқароларнинг репродуктив қарашларида ижобий ўзгаришлар бўлаётганини ҳам намойиш этди. Бугунги кунда жамиятимизда икки ёки уч фарзандли оилалар кўпчиликни ташкил қилади.

Сўнгги йилларда оилаларда йигит-қизларнинг ўрта махсус ва олий таълим олиш муҳимлиги ҳақидаги тушунчаси тобора ортиб бораётир. Шунга мувофиқ ёшларимиз ўртасида замонавий билим ва зарур касбни эгаллашга интилиш ҳам кучаймоқда. Бу борада ёшлар учун барча имкониятлар, жумладан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг муваффақиятли амалга оширилаётгани самарасида кенг шароитлар яратилган.

Сўров шуни кўрсатдики, аҳолининг қарийб 90 фоизи давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш бўйича амалга ошираётган сиёсатини юксак баҳолайди. Кўпчилик оилаларда (81,7 фоиз) фарзандларининг жисмоний саломатлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Болаларнинг 44,7 фоизи таълим муассасалари ҳузуридаги спорт секцияларида спорт билан фаол шуғулланяпти, уларнинг ҳар уч нафаридан бири шаҳар ва маҳаллада фаолият юритаётган махсус секциялардаги машғулотларда қатнашаётир.

Истиқлол йилларида юртдошларимизнинг келажакка, фарзандларининг ҳаётда ўз олдига қўйган мақсадларига эришишига бўлган ишончи мустаҳкамланиб бормоқда. Бунда фуқароларнинг 85,9 фоизи, биринчи навбатда, ўз кучи ва имкониятларига ишонади. Сўровда, шунингдек, ўз оиласининг иқтисодий аҳволини яхши деб баҳолайдиган фуқаролар сони ҳам ортиб бораётгани кузатилди. Уларнинг фикрича, бу давлатимиз раҳбарининг пухта ўйланган ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг бевосита натижасидир.

Ўтказилган ижтимоий сўров оила халқимиз учун энг муҳим ҳаётий қадрият ва баркамол авлодни вояга етказишда асосий омил ҳисобланишини яна бир бор тасдиқлади. Мамлакатимиз фуқаролари Президентимиз Ислом Каримов томонидан оила институтини ривожлантириш ва бу соҳада самарали сиёсатни амалга оширишга доимий қаратилаётган улкан эътибор туфайли, мустақиллик йилларида оилаларнинг фаровонлиги ва турмуш тарзи янада яхшиланиб, маънавий-ахлоқий қадриятлари мустаҳкамланиб бораётганига қатъий ишонади.

**«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида**
**ЎзА мухбири Анна ИВАНОВА тайёрлади**

Фестиваллар

## БАРКАМОЛ АВЛОД — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

**Шаҳримизда соғлом авлодни тарбиялаш ва иқтидорлиларни аниқлаш ҳамда ёшларнинг қобилиятларини юзага чиқариш мақсадида ташкил этилган «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивалининг барча туман босқичлари бўлиб ўтди.**

Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида мустақил ва янгича фикрлайдиган навқирон авлодни тарбиялаш, истеъдодли ўғил-қизларни аниқлаш ва рағбатлантириш, уларнинг қобилиятларини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Истиқлол йилларида эртамиз эгалари бўлмиш ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътиборнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилгани алоҳида аҳамиятга эга.

Дарҳақиқат, ёшларни инсонпарварлик, дўстлик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, тинчликсеварлик ғоялари асосида тарбиялаш бугунги кунда муҳим вазифалардан бири саналади. Бу борада «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Камалак» болалар ташкилоти, Халқ таълими бош бошқармаси ҳамкорлигида ҳар йили ташкил этиб келинаётган турли фестиваллар ва амалга оширилаётган лойиҳалар муҳим ўрин тутади.

Бу йил «Янги авлод — 2011» болалар ижодиёти фестивалида беш мингга яқин гулғунчаларимиз ўз истеъдод ва қобилиятларини олти йўналишда, яъни классика-фортепиано, торли, пуфлаб, уриб чалинадиган мусиқа асбоблари, вокал — анъанавий ва академик ижро, эстрада, фольклор ҳамда хор, миллий чолғу — торли, чертиб, пуфлаб, уриб чалинадиган асбоблар ва рақс — миллий, бал, замонавий рақслар, тасвирий санъат — графика, рангтасвир, натюрморт, либослар дизайни, амалий санъат — ҳайкалтарошлик, кулолчилик, зардўзлик, қуроқчилик, гиламдўзлик, бисер тўқиш, юмшоқ ўйинчоқсозлик, наққошлик, каштачилик, ёғоч ўймакорлиги, наср — шеър, ғазал, достон, назм — ҳикоя, эртак ва бошқаларда намоён этаётирлар.



— «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивали юртимизда истиқомат қилаётган иқтидорли ўғил-қизларнинг қобилиятларини янада юзага чиқариш ва уларни рағбатлантириш мақсадида бир неча йиллардан буён ўтказиб келинмоқда, — дейди «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими кенгаши матбуот хизмати раҳбари Лазокат Қодирова. — Буни ёшларимиз учун ўз истеъдодларини намоён этиш ва орзуларини мақсадга айлантириш учун қулай имконият деб биламан. Ҳакамлар ҳайъатига ҳар йилгидек турли соҳаларнинг малакали мутахассислари жалб этилган. Саралаш босқичидан муваффақиятли ўтган барча болажонларнинг кейинги поғонага йўл олишлари кўзда тутилган. Бу борада барча иқтидорли ўғил-қизларга зафарлар тилаб қоламиз.

**Садоқат АСЛАНОВА,**
**СУРАТДА: фестивалдан лавҳа**

